УДК 1(091)

АҲМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙНИНГ “ЖОМИЪ УЛ-МУТУН” АСАРИ ТЎҒРИСИДА

М.Т. Гуламова

Мақолада нақшбандия таълимотининг дунёда кенг тарқалишига ҳисса қўшган шайх Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” асари таркибий қисмлари ўрганилган. Мутафаккирнинг иймон масалалари ва илм тўғрисидаги қарашлари таҳлил қилинган. Имом Мотуридийнинг ақл тўғрисидаги фикрларига берилган шарҳлари мазмун-моҳияти очиб берилган. Мутафаккир ижодий меросидаги ахлоқий фазилатларнинг янги Ўзбекистон шароитида баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *Қуръони карим, Ҳадиси шариф, фаришта, пайғамбар, иймон, илм, ақл, инсон.*

В статье рассматривается жизнь шейха Аҳмада Зийуддина ал-Кумушханави, способствовавшего распространению учения Накшбанди в мире, и составляющие его произведения «Джами уль-мутун». Приводятся примеры из вопросов веры и осмысленных представлений о науке ал-Кумушханави. Раскрывается суть содержания комментарии мыслителя взглядам Мотуриди о разуме. Анализируется значение нравственных качеств в творческом наследии мыслителя в воспитании гармонично развитого поколения в условиях Нового Узбекистана.

Ключевые слова: *Священный Коран, Хадис, ангел, пророк, вера, знание, разум, человек.*

Кириш

Инсон ва уни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиш масаласи қадимдан Шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг диққат марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кўтарганлар, уни тирик мавжудотлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар. Мозийда яшаб ўтган мутафаккирларнинг инсон ва унинг яшашдан мақсади, комил ва етук инсон ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозиргача ўз қадрини йўқотмасдан, инсониятга хизмат қилмоқда.

XIX асрда яшаган буюк мутафаккир, нақшбандия таълимотининг давомчиларидан Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий ўз асарларида, ҳикматларида умуминсоний руҳ билан суғорилган инсон қадри ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Бу улуғ мутафаккир нашбандия тасаввуфий таълимотида бўлган, умри давомида илм-фанга хизмат қилган, турли хил асарлари ва уларнинг серқирралиги билан бутун дунёда машҳур бўлган.

Асосий натижалар

Аждодлари Бухорои Шарифдан бўлган, нақшбандия таълимотини дунёда кенг тарқалишига сабабчи муршеди комил, шайх Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий (1813 – 1893 й) тасаввуф, ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида 60 га яқин қимматли ва улуғ асарлар битган табаррук инсон ҳисобланади [1. Б. 8].

Таъкидлаш жоизки, Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий таълимотини ўрганиш, бир томондан, ислом тарихини ёритишда ёрдам берса, иккинчи томондан, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий “Ҳидоят йўлининг имоми” ва “Мутакаллимлар имоми” мартабасига муяссар бўлган, Самарқанд калом илмини яратган машҳур аллома Абу Мансур Мотуридий таълимотини ўрганиб, уларни чуқур англаб, моҳиятини изоҳлаш мақсадида шарҳлар ёзган.

Мустақиллик даврида жуда кўп исломий манбалар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Ана шулардан бири Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” номи билан нашр этилган асаридир. “Жомиъ ул-мутун фий ҳаққи анвоис-сифатил илоҳиййа вал-ъақоидил Мотуридия ва алфозил куфри ва тасҳиҳил-аъмолил-ъажибиййа”, яъни “Аллоҳ таолонинг анвойи исм-сифатлари, Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилиши ҳақида матнлар тўплами” асарини Мирзо Кенжабек ўзбек тилига ўги-риб, 2000 йилда Тошкентдаги “Мовароуннаҳр” нашриётидан чоп эттирди.

Ушбу асар жаҳондаги жуда мўътабар манбалардан бўлиб, халқимиз тарихи ва маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Асар Мотуридия эътиқоди асосида ёзилган бўлиб, унда Имом Аъзам ва Имом Мотуридий асарларидан то XVIII асрга қадар эътиқод ҳақида ёзилган китоблардан матнлар олинган. Китобда Аҳли суннат ва-л-жамоат ақоидига асос бўлган Мотуридия эътиқоди, яъни соғлом эътиқод тамойиллари ҳамда бузуқ ақидалик оқимларнинг ҳоллари матн ва шарҳлар асосида батафсил баён этилган [2. Б. 1].

Масалани тўлиқ ёритиш мақсадида юқоридаги “Аҳли сунна”, “Эътиқод”, “Ақоид” ва “Иймон” сўзларига изоҳ келтирамиз.

“Аҳли сунна” деганда “суннатга юрганларнинг йўли ва ҳадисга амал қиладиганлар” деган

маънолар кўзда тутилган. Бу борада имом ал-Ашъарий ва ал-Мотуридий Аҳли суннат ва-л-жамоатнинг ақида бўйича имомлари деб тан олинган. Бу икки имом Ислом оламининг икки тарафида – Ашъарий басралик, Мотуридий самарқандлик бўлганлар. Бир-бирлари билан кўришмаган бўлсалар ҳам, бир хил ишни бир хил вақтда, бир хил тарзда адо этганлар ҳамда икковлари ҳам Аҳли суннат ва-л-жамоат мазҳабининг имоми деб эътироф қилинган.

Луғатда “Ақоид” сўзи “ишониб боғланган нарсалар” маъносини англатади. Ислом шариатида эътиқодий ҳукмларни ўрганиш ақоид илми дейилади.

“Иймон” арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси ишончдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан етказилган барча нарсаларни дил билан тасдиқлаб, уларга тил билан иқрор бўлиш “иймон” ҳисобланади.

Уламоларнинг айтишича: “Иймон луғатда “рост деб билиш” ва “омонлик бериш” маъноларини англатади. Мотуридия мазҳабида “рост деб билиш” маъноси мўътабар ҳисобланади. Истилоҳда эса “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло ҳузуридан келтирган барча нарсаларни рост деб билиш ва уни тил билан ифодалаш иймон деб аталади” [3. Б. 238–239].

Буюк алломамиз Имом Абу Мансур ал Мотуридийнинг эътиқод таълимини ўз ичига олган “Жомиъ ул-мутун” асарнинг муқаддимасида Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий иймон масаласини фаҳм этиш ва тўғри тушуниш учун савол-жавоб усулида инсонлар учун зарур бўлган фикрларни берган.

Савол: Банда ўлса, иймон қаерга боради? Руҳ билан қоладими, бадан биланми?

Жавоб: Ҳеч бири билан қолмайди. Иймон бир маънодир, маъно эса моҳиятини Аллоҳ биладиган бир нурдир. Баъзиларнинг фикрича, (иймон) руҳ билан бирга осмонда бўлади.

Савол: Ўлгандан кейин бандaнинг амаллари нима бўлади?

Жавоб: Амалларнинг бир қисми Аллоҳнинг мукофотига эришади, бошқа бир қисми эса иқобига (азобига) учрайди.

Савол: Иймон зоҳирдами ёки ботиндами?

Жавоб: Балоғат ёшига етган кишиларда иймон зоҳирда, болаларда эса ботиндадир. Иймон ҳам зоҳирда, ҳам ботиндадир, деганлар ҳам бор [2. Б. 26].

Савол: Иймоннинг мартабалари борми?

Жавоб: Ҳа, иймоннинг тўрт мартабаси бор:

1. Мубтадий иймон. Бу фаришталарнинг иймонидир.

2. Мақбул иймон. Бу эса пайғамбарларнинг иймонидир

3. Маъсум иймон. Бу эса мўъминларнинг иймонидир.

4. Мардуд иймон. Бу эса мунофиқларнинг иймонидир.

Савол: Иймоннинг жойи қаерда?

Жавоб: Кумушхонавий иймоннинг жойи тўрт жойда эканлигини Қуръони карим оятлари асосида шарҳлаган:

1. Иймон қалбдадир, Ҳужжорот сурасининг 7-ояти жалиласида бу хусусда бундай марҳамат қилинган: “... лекин Аллоҳ сизларга иймонни суюкли қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади” [4. Б. 765].

2. Иймон кўксдадир: “Зумар ”сурасининг 22-ояти жалиласида бу хусусда бундай зикр қилинган: “Ахир, Аллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир Нурҳидоят устида бўлган киши юраги қотиб қолган билан баровар бўлурми?)... [4. Б. 679] ”.

3. Иймон кўнгилдадир: “Ан нажм” сурасининг 11-ояти жалиласида “Кўнгли кўрган нарсасини инкор этмади” деб марҳамат қилинади [4. Б. 787].

4**.** Иймон тилда(лисондадир): “Раъд” сурасининг 19-ояти жалиласида бу мавзу хусусида бундай баён қилинган: “Фақат... ақл эгаларигина тазаккур эслатма олурлар” [5. Б. 287–288].

Савол: Иймон қадимми ёки ҳодисми (яъни кейин пайдо бўлганми)?

Жавоб: Қалбда вужудга келиши қадимдир, қалбда мавжуд бўлган иймонни (тил билан) иқрор қилмоқ ҳодисдир.

Савол: Иймон мўъминда бўладими ёки мўъмин иймонда бўладими?

Жавоб: Иймон Аллоҳ (жалла жалалуҳу)нинг бир хазинасидир. Аллоҳнинг хазинаси эса мўъминнинг қалбидир.

Савол: Иймон мендадирми ёки мен иймондаманми?

Жавоб: Мен ундаман, у эса мендадир. У менинг сифатимдир, жисмимга қоришган, кўзим билан кўрмасам-да, фаросатим билан уни кўраман.

Савол: Иймон ақлнинг устидами ёки ақл иймоннинг устидами?

Жавоб: Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг фикрларига кўра, иймон ақл билан биргадир. Шамсул Аимма аксини айтадиган кимса кофирдир, деганлар.

Савол: Иймон жасад биланми ёки руҳ биланми?

Жавоб: Иймон ҳар иккисига ёйилгандир.

Савол: Иймон яхлитми (бир бутунми) ёки бўлакбўлакми?

Жавоб: Аллоҳ (жалла жалалуҳу) наздида иймон яхлитдир (бир бутундир). Бандалар орасида тақсим қилингандир.

Савол: Иймон янгими, эскими?

Жавоб: Аллоҳнинг наздида қадим, бандалар учун эса янги.

Савол: Иймоннинг боши, ўртаси, асл-асоси, томири, шохи, япроғи, меваси жойи, ирмоғи, суви ва исми нима?

Жавоб: Иймоннинг боши – тавҳид, ўртаси – маърифат, асл-асоси – яқийн, томири – ихлос, шохи – амри маъруф ва наҳйи мункар, япроғи – қўрқув (тақво), меваси – Аллоҳнинг раҳмати, жойи –

мўъминнинг қалби, ирмоғи – Аллоҳнинг илми, суви – Қуръони карим, исми эса муборак дарахтдир.

Савол: Иймоннинг сифати нима?

Жавоб: Аллоҳнинг (жалла жалалуҳу)нинг амр ва наҳийларига (буйруқ ва қайтариқларига) ишонаман, демоқликдир.

Савол: Иймоннинг барча шартларини билмаган киши мўъмин ҳисобланадими?

Жавоб: Иймоннинг шарти эса Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва элчиси эканлигига, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига иймон келтирмоқ ва Ислом дини Аллоҳнинг ҳузуридаги асл мақбул дин эканлигига ишонмоқдир [2. Б. 27–28].

Кумушхонавий ўзининг “Ромузул аҳодис” (“Ҳадислар денгизи”) асарида Мотуридийнинг иймон тўғрисидаги фикрларини исботловчи қуйидаги ҳадисларни келтирган: Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳазрати айтганлари Убайд ибн Амийр (р.а.)дан: “Иймоннинг афзали сабр қилмоқлик ва ўз ҳақининг бир қисмидан воз кеча билмоқликдир”. Яна бир ҳадиси шариф ҳазрати Убодаҳ ибн Сомит (р.а.)дан: “Иймоннинг афзали қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳ таоло ҳозиру нозир Зот эканлигини билмоқлигингдир”. (Табароний, Абу Нуъайм ривояти) [6. Б. 399].

Ҳазрат Кумушхонавий ўз даврида илм олувчиларга эътиборли бўлиб, китобхонлар сонини кўпайтириб, халқ маънавиятини юксалтириш мақсадида босмахона қурдириб, илмий китобларни илм толибларига бепул тарқатган [7. Б. 29]. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий “Жомиъ ул-мутун” асарининг муқаддимасида иймон масаласи билан бирга илм тушунчаси ҳақида ҳам пурмаъно фикрлар билдирган.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий илмни тўрт қисмга бўлади: фарз, ҳаром, мубоҳ ва мандуб.

1. Фарз бўлган илмлар: фарзи айн ва фарзи кифоя. Фарзи айн иймон билан куфрни, осийлик билан ҳидоятни ажратадиган миқдорда, ибодатда эса намозни, рўзани, закотни, ҳажни адо этадиган миқдорда билиш зарур бўлган илмдир. Юқорида зикр қилинган илмларни ўта чуқур фиқҳий тафсилоти билан ўрганмоқлик зарурдир. Айниқса, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармоқлик, фиқҳ, тафсир, ҳадис, усул, қироат, математика ва динни иҳё қилмоқ (жонлантирмоқ) учун арабчани ўрганмоқ фарзи кифоядир.

Фарз бўлган илмларни ўрганиш учун эндиликда кенг имкониятлар яратилди. Ислом академияси, институтлари ва мадрасаларда араб тили, Қуръони каримни ўргатиш курслари очилди.

2. Илми нужум, мунозара, мантиқ (соғлом ақлга зид, иймонга хилоф) сеҳр тилсим ва фойдаси бўлмаган илмларни эҳтиёждан ортиқ ўрганмоқлик эса ҳаром.

3. Мубоҳ бўлган илм эса динга қарши бўлмаган шеърлардир.

4. Мандуб илмлар суннатни, макруҳни, нафл ибодатларни ва фазилатли амалларни ўргатадиган илмлар ҳамда геометрия, тиб ва ижтимоиёт каби фанлардир.

Тасаввуф аҳли билиши лозим бўлган: таъбир илми, жифр илми ва илҳом илмлари тўғрисида ҳам қисқа изоҳ берганлар [8. Б. 8].

Таъбир илми – қазо ва қадар ижмолан ёзиб қўйилган бир лавҳни билиш учун қилинган асрорли бир илмдир.

Жифр илми маъруф бир илмнинг номидирки, у орқали ғайб аҳволидан хабар етади (“Ғиёс-ул-луғот), 1-жилд. 234-саҳифа) [2. Б. 25].

Ҳазрати Али (р.а.) шундай деганлар: “Илм молдунёдан яхшидир, чунки илм сени ножоиз ишларни қилишдан сақлайди. Молни эса ўғирлаб кетмасликлари учун ўзинг қўриқлайсан. Мол-дунё сарф қилинса камаяди, илм эса тарқатиш билан янада зиёда бўлаверади” [9. Б. 333]. Ҳақиқатан, илм бир нур бўлиб, инсон аъзоларидаги ҳар бир ҳужайрани нурлантиради. Шу сабабли илмли инсонлар чиройли, юзи тиниқ, кўзлари равшан, гаплари маъноли, ишлари амалли, ўзи ибратли бўлади.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” асари уч бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бир неча қисмлардан ташкил топган.

Асарнинг ҳар бир бўлимидаги мавзуларга Имом Мотуридийнинг ёзган матнлари келтирилган бўлиб, Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий уларга ўз шарҳини келтирган.

Асарнинг биринчи бўлими “Эътиқод” деб номланган бўлиб, олти қисмдан иборат. Бўлимнинг биринчи қисмида “Аллоҳ таъоло ҳақида вожиб бўлган нарсалар” (субутий сифатлар, феълий сифатлар, маънавий сифатлар, зотий сифатлар), иккинчи қисмида “Аллоҳ ҳақида муҳол (мумкин бўлмаган) нарсалар”, учинчи қисмида “Аллоҳ ҳақида жоиз бўлган нарсалар”, тўртинчи қисмида “Пайғамбарлар ҳақида вожиб бўлган сифатлар”, бешинчи қисмида “Фаришталар ҳақида вожиб бўлган нарсалар”, олтинчи қисмда “Имом Мотуридийнинг эътиқод борасидаги кенг изоҳоти”, “Катта гуноҳлар”, “Валийлар (авлиёлар)нинг карометлари” келтирилган.

“Жомиъ ул-мутун” асарининг биринчи бўлими олтинчи қисмидаги Мотуридийнинг иймон, Қуръони Карим Аллоҳнинг каломи, Аллоҳни кўз билан кўриш, коинот, итоат этмоқ, иститоъат, ҳеч бир нарсага Аллоҳдан бошқаси таъсир этолмаслиги, мақтул, ҳаром, сакароти мавт, жаннат ва жаҳаннам мавжудлиги, Жаноб пайғамбаримизнинг меърожи тўғрисидаги эътиқод изоҳотига шарҳлар келтирган.

Мотуридийнинг иститоъат тўғрисидаги матни манбада қуйидагича келтирилган: “Иститоъат (куч, иқтидор, бирор ишга кучи етмоқлик) банданинг бирор ишни қилмоққа кучи етмоғи сабабларига, воситаларга ва таклиф этилган ишнинг қилиниб, қилинмаслигига боғлиқ. Банда кучи етмаган нарсага масъул эмас.

Ургандан кейин пайдо бўладиган алам, бир шишага урилгандан кейин ҳосил бўладиган синиш, бировга зарба ургандан кейин юз берадиган ўлим

ва шунга ўхшаш ҳодисалар Аллоҳнинг яратмоғи билан воқеъ бўлгандир. Буларни яратмоқликда банданинг ҳеч бир раъйи йўқ. Банда феъллари, бажармоғи, иқрори, маърифати ва тасдиқи билан махлуқдир".

Мотуридийнинг иститоъатга доир фикрларига Кумушхонавий қуйидагича шарҳ берган: Қудрат иккига бўлинади:

1. Аъзонинг (аъзойи баданнинг) амални бажара олмоғи учун қудратни қабул қила оладиган сиҳҳатга (соғлиққа) эга бўлишидирки, бу феъл майдонига келмасдан олдинги ҳол бўлиб, бизнинг (аҳли суннатнинг) фикримизча, мукаллаф (ибодатга қодир) бўлмоқликнинг шартидир: Бу борадаги ояти жалила ушбудир: "…ва йўлга қодир бўлган кишилар мана шу Байтни ҳаж-зиёрат қилмоғи Аллоҳнинг инсонлар зиммасидаги ҳаққидир" ("Оли Имрон" сураси, 92-оят)

2. Феъл билан бирга бўладиган қудратдирки, Аллоҳ буни жонзотларда феъл бажариладиган онда вужудга келтиради.

Бундай савол туғилиши мумкин:

Қудратни феъл онида (яъни амални бажариш онида) бандага бериладиган Аллоҳ бўлганидек, шарр (ёмонлик), хайр (яхшилик), куфр, иймон ҳам Аллоҳнинг тақдири, тавфиқи ва хизлони (ёрдамсиз қолдириши) билан бўлади. Шундай бўлса, инсон нима учун савобга ёки азобга мустаҳақ бўлади?

Бериладиган жавоб ушбудир: амр (буюриш), наҳий (қайтариш), қудрат, қувват Аллоҳдандир.

Амрга (буйруққа) ижобат этиб – жавоб бериб, наҳийдан (қайтариқдан) тийилмоқ, ишламоқ, ишлаб топмоқ ва азм этмоқ бандадандир. Бандада ғайрат, азм, қасд, иқтисод (касб-кор қилиш) бўлади, Аллоҳ эса унга бажариш қудратини беради.

Аллоҳ бандага қудратни унда ғайрат, азм, қасд, иқтисоба (касб қилиш) бор бўлган пайтда беради ва шундай қилиб, феъл майдонга келади. ("Баҳр ул-калом")

"Банда феъллари, иқрори, маърифати ва тасдиқи билан махлуқдир". Бу хусусда Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилган: "Ҳолбуки, сизларни ҳам, қилган амалларингизни (қилиб олган нарсаларингизни) ҳам Аллоҳ яратгандир" ("Соффат" сураси, 96-оят) [4. Б. 705]. Аллоҳнинг бу яратмоғи қудратини ва сунъини (санъатини) изҳор этмоқ учундир. Ҳаргиз уларга ва уларнинг ёрдамига муҳтож бўлганидан эмас" [6. Б. 402–404].

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ўта меҳрибон зот эканлигига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Мотуридийнинг ақл тўғрисидаги матнларига "Жомиъ ул-мутун" асари биринчи бўлимининг "Валийлар (авлиёлар)нинг кароматлари" номли олтинчи қисмида Кумушхонавий қуйидаги шарҳларни берган.

Диний илмлар ақлдан устундир. Кофирларнинг ақли мўминларнинг ақлидек эмас; авлиёларнинг ақли пайғамбарларнинг ақлидек эмас; олдинги пайғамбарларнинг ақли эса бизнинг пайғамбаримизнинг ақлларидек эмас. Ақл билимга олиб борадиган бир воситадир.

Кумушхонавий Мотуридийнинг матнига шарҳ бериб, ақлни беш даражага бўлади:

1. Ақли ғаризий – табиий (туғма ақл). Бу ақлда кофир ва мусулмонлар баробардир. Иккиси ҳам шу ақл билан Аллоҳ бир эканлигини била оладилар.

2. Ақли таклифий – бу кўп меҳнат қилиш ва олимлар билан суҳбатлар қилиш натижасида эришиладиган бир ақлдир.

3. Ақли атоий – Аллоҳ ато этган ақл. Бу ақлда мусулмонлар ва пайғамбарлар баробардирлар.

4. Ақли нубувват – (ақли мин жиҳати нубувва) бу ақл фақатгина пайғамбарларга хосдир.

5. Ақли ташрифий (ақли мин-жиҳатиш шараф) – бу шараф жиҳатидан фақатгина бизнинг Пайғамбаримиз (с.а.в.)га берилган. Бошқа ҳеч бир кишининг бу ақлдан насибаси йўқ. Бу хусус билан боғлиқ ояти жалила ушбудир: "Шак-шубҳа йўққи, сиз улуғ хулқ соҳибидирсиз!" ("Қалам" сураси, 4-оят) [10. Б. 8–9].

Буюк мутафаккир Ҳаким Термизий "Маърифат ул-асрор" асарида ақлни икки турга бўлади: биринчи тур ақл аҳмоқликни бартараф этадиган ақлдир. Унинг вазифаси дунё ишларини яхши бажариш ва охират амалларига киришишдир. Иккинчи тур ақл эса неъмат қадрини билиш, нафс хоҳишларидан кечиш туфайли илоҳий тавфиқ билан пайдо бўладиган ақли кароматдир (Аллоҳ фазли билан берган ақлдир).

Кумушхонавий айтган ақлнинг учинчи даражаси – "Ақли атоий" (Аллоҳ ато этган ақл) ҳамда Ҳаким Термизийнинг иккинчи тур ақл – "Аллоҳ фазли билан берган ақл" ҳақидаги фикрлари бир-бирига мувофиқ келади [11. Б. 380].

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий матнларни шарҳлашда қуйидаги тўрт хил услубга таянади:

1. Қуръони Карим оятлари.
2. Ҳадиси Шариф.
3. Савол-жавоб.
4. Ўзининг мантиқий фикларидан фойдаланган [6. Б. 287].

"Жомиъ ул-мутун" асарининг иккинчи бўлими "Алфози куфр баёни" деб номланиб, уч қисмдан иборатдир. Биринчи қисмда йўлдан озган мазҳабларнинг ҳоллари, иккинчи қисмда кофир, муртад ва зиндиқлар ҳақидаги ҳукмлар, алфози куфрнинг ҳукмлари, ҳукм қоидалари ва ихтилофлари, учинчи қисмда алфози куфрнинг турлари: Аллоҳ таъолога, Унинг сифатларига ва афъолига тааллуқли бўлган, пайғамбарларга тааллуқли бўлган (уларга нисбатан адабсизлик билан айтилган), Қуръони Каримга, намозга, зикрга ва шу каби бошқа хусусиятларга тааллуқли бўлган, илмга ва олимларга тегишли бўлган ва турли хилдаги куфр сўзлар тўғрисидаги мавзулар келтирилган.

"Жомиъ ул-мутун" асарининг учинчи бўлими "Амалларнинг тўғри бажарилиши" деб номланади. Бу бўлимда ният масаласига кенг эътибор қара-

тилган бўлиб, ҳар хил фиққий масалалар жуда тўғри асослаб берилган. Асарнинг биринчи қисмида “Ниятнинг қоидалари” ўз аксини топган бўлиб, унда амаллар ниятлар билан биргадир, бир ишамал қандай ният билан қилинса, фақатгина ўша учундир; ният қилинган нарсани тайин қилиш ёки тайин қилмаслик; ният қилинган нарсанинг сифатлари (фарз-нафл, адо-қазо ибодатлар); ихлос; икки ибодатни жам қилмоқ; ниятнинг вақтлари; ибодатларда ниятнинг давомийлиги; ниятнинг ўрни ҳар жойда, ҳар ибодатда бўлиши мумкинлиги; ниятнинг шартлари каби мавзулар киритилган.

Асарнинг учинчи бўлими иккинчи қисмида “Баъзи муҳим қоидалар”, яъни шубҳа борасида фойдали маслаҳатлар (Б.Ҳадисларни энг яқин вақтига қараб баҳоламоқ асл асосдир. В.Каломда асл асос ҳақиқатдир); қийинчилик осонликни жалб этади (Г.Қийинчилик ва сақланиш мушкул бўлган хусуслар); “Муҳим масалалар”: зарар бартараф қилинади, икки муфсид (ибодатни бузувчи нарса) тўқнаш келганда енгилроғи танланади, мафсадотни (бузғунчиликни, фосид ишларни) тарк этмоқ маслаҳатни (тўғриликни) жалб этмоқдан авдодир, ҳалол ва ҳаром бириккан пайтда ҳаром ғолиб келади, мақсадлари бир хил бўлган икки нарса бир орага келганида бир-бирига қўшилади каби мавзулар келтирилган [3. Б. 312].

Асарнинг учинчи бўлими учинчи қисмида “Улкан аҳамияти ва фойдаси бўлган масалалар” келтирилган.

Олиш ҳаром бўлган нарсани бериш ҳам ҳаром. Рибо (судхўрлик), золимнинг муҳри (тамғаси), коҳин қўллайдиган нарсалар, пора, ўлик учун йиғловчининг хизмат ҳақи – бу нарсаларнинг ҳаммасини олиш ҳам, бериш ҳам ҳаром. Фақат молидан ва жонидан қўрққан пайтда ёки давлат бошлиғи ёхуд амирнинг олдида (зарур бўлганда) динини, ор-номусини, жонини, молини сақлаш учун берган зарурий пораси (ришвати) мустаснодир. Ҳоким кишининг пора бериши ҳам, олиши ҳам ҳаром. Бир васий ўзи сақлашга, қўриқлашга мукаллаф бўлган молга бирор ғасб (босқин) хавфи туғилса, ўша хатарни бартараф этиш учун бирор нарса бериши мумкин [3. Б. 276].

Диний нуқтаи назардан олиб қарасак, Аллоҳ таоло инсониятни яратгач, уларни ер юзида ҳалол ризқ талаб қилишга амр этиб, унинг акси бўлмиш ҳаромдан ҳазар қилишга буюради. Демак, ҳар бир инсон ҳалол ризқ талаб қилиши билан бирга, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилиши ва ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштирмаслиги ўта муҳимдир.

Бировнинг ҳаққини ноҳақ ейиш ҳамда пора берувчи ва пора олувчи ҳам оғир гуноҳкор бўлиши Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” асарида ҳам айтиб ўтилган. Демак, коррупцияга қарши курашишда инсоннинг диний-маърифий билимларга эга бўлиши ҳам жуда муҳимдир.

Кумушхонавийнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ёш авлоднинг одамийлик, ҳалол ва пок бўлиш, нафсни тийиш, сабр-бардошли бўлиш каби фазилатларни касб қилишида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. *Гуламова М.Т*. Силсилаи шарифдаги пири комил – Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий // “Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2–китоб. – Навоий: “НавДПИ”, 2019. – Б. 8–9.

2. *Зиёуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий*. Жомеъ ул-мутун. / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. – 313 б.

3. *Гуламова М.Т*. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий иймон тушунчаси ҳақида // “Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция) материаллари тўплами – Бухоро, 2020. 28-29-май. – Б. 238–240.

4. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим мухтасар тафсири. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 990 б.

5. *Гуламова М.Т*. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг Мотуридий таълимоти тўғрисидаги шарҳлари // Falsafa va hayot xalqaro jurnal, 2020. – № 1. Махсус сони – Б. 284–292.

6. *Гуламова М.Т*. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг Мотуридий таълимоти тўғрисидаги шарҳлари // “Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: Ўтмиш ва ҳозирги замон”. “Бухоро – ислом маданияти пойтахти” номли форуми доирасида ўтказилган халқаро онлайн конференция материаллари. – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. – Б. 396–404.

7. *Гуламова М.Т*. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий // Имом Бухорий сабоқлари журнали, 2020. – № 2. – Б. 28–29.

8. *Гуламова М.Т*. Идеи Ахмада Зиёуддина ал-Кумушхонавий о знании // Universum: Общественные науки: электронный научный журнал, 2020. – № 3(63). – С. 7–9. [Электронный ресурс]. URL: http://7universum.com/ ru/social/archive/item/9169 (Дата обращения: 09.12.2021)

9. *Гуламова М.Т*. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг асарларида илм ҳақидаги ғоялар // “Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2020. – Б. 329–333.

10. Гуламова М.Т. Концепция разума Кумушхонави в работе Джоми уль-Мутун // Universum: Общественные науки: электрон. научн. журн. 2020. – № 5(65). – С.8–10. [Электронный ресурс]. URL: http://7universum.com/ru/ social/archive/item/9500 (Дата обращения: 20.01.2022)

11. *Гуламова М.Т*. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий асарларида ақл тушунчасининг таҳлили // “Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари” халқаро илмий онлайн конференция материаллари. 1-китоб. – Навоий, 2020. – Б. 380–382.

AHMAD ZIYUDDIN AL-KUMUSHHANAVY ABOUT JAMI 'UL-MUTOON

M.T. Gulamova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 11-17.

[1]Bukhara State Medical Institute, Bukhara, str., Navai, 1 (Uzbekistan). E-mail: info@bsmi.uz

Keywords: Allah, Holy Qoran, Hadith, angel, prophet, faith, knowledge, mind, man.

It is known that 2022 has been declared the Year of Human Dignity and Active Neighborhood in our country. The role of spiritual heritage in glorifying human dignity and educating perfect people is great. In this regard, the translation of existing works, the writing of reviews play a key role. One such work is Jami 'ul-Mutun, written by Sheikh Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi, who led the spread of Naqshbandi teachings around the world. The article examines this work of the great thinker. The research pays special attention to historicality, membership, and the way we work with sources.

Al-Kumushkhanavi lived from 1813 to 1893 and wrote about 60 valuable works in Arabic on mysticism, hadith, Islamic jurisprudence and other topics. His ancestors were from Bukhara Sharif. Kumushkhanavi's Jami 'ul-mutun was translated by Mirzo Kenjabek. The words "Ahl as-Sunnah", "I'tiqad", "Aqeed" and "Iman" are explained in the play.

"Faith" is an Arabic word, which literally means trust. It is called "faith" to verbally acknowledge and confess to the Prophet Muhammad (peace and blessings of Allaah be upon him) everything that was revealed to him by Allaah.

Kumushkhanavi expressed his views in a question-and-answer manner in order to properly understand the issue of faith . This plays a key role in helping readers understand the ideas behind the Naqshbandi doctrine.

Silver was very attentive to scholars in his time. He built a printing house in order to increase the number of readers and raise the morale of the people. Distributed scientific books free of charge to students of science. This is the spiritual basis of the ongoing reforms in our country to improve the culture of reading among young people.

Ahmad Ziyouddin al -Kumushkhanavi's Jami 'ul-mutun consists of three chapters, each of which consists of several parts.

The themes of each chapter of the work include the texts written by Imam Moturidi, to which Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi gave his commentary. The first part deals with "Faith", the second part with "Alfozi kufr statement", the third part with "The correct execution of deeds".

Commenting on the text of the Silver Moturidi, he divided the mind into five levels. This, of course, is of great importance in the correct and clear understanding of Moturidi’s teachings.

The spiritual and moral views of the Silver House are important in educating the younger generation to be self-aware, humane, honest and pure, self-restrained, patient and mature, to be highly spiritual people.

References:

1. Gulamova, M.T. (2019) Silsilai sharifdagi piri komil - Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviy [Ziyouddin Ahmad al-Kumushkhanawi is the perfect piri in Silsilai Sharif]. In: *‘Jahon madaniy sivilizatsiyasi kontekstida xojagon, naqshbandiya tasavvufiy ta’limotlari ilmiy-ma’naviy merosining umumbashariy ahamiyati’*[The universal significance of the scientific and spiritual heritage of the mystical teachings of Khojagon and Naqshbandi in the context of world cultural civilization]. Materials of the international scientific conference. Book 2. Navoiy: “Nav-DPI”. Pp. 8-9.

2. Ziyouddin Ahmad Al-Kumushxonaviy. (2000) *Jome’ ul-mutun* [Jami ul-mutun]. Translation by Mirzo Kenja. Tashkent : Movarounnahr.

3. Gulamova, M.T. (2020) Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviy iymon tushunchasi haqida [Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi on the concept of faith]. In: ‘*Buxoroning islom sivilizatsiyasidagi o‘rni va unga qo‘shgan*

hissasi' [The role of Bukhara in Islamic civilization and its contribution]. Materials of the international scientific-practical conference (video conference). Pp. 238-240.

4. Shayx Alouddin Mansur. (2019) *Qur'oni Azim muxtasar tafsiri* [A Brief Interpretation of the Qur'an]. Tashkent: Shark.

5. Gulamova, M.T. (2020) Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviyning Moturidiy ta'limoti to'g'risidagi sharhlari [Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi's commentary on the Moturidi doctrine]. *Falsafa va hayot xalqaro jurnal*. No 1. Special issue. Pp. 284-292.

6. Gulamova, M.T. (2020) Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviyning Moturidiy ta'limoti to'g'risidagi sharhlari [Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi's Moturidi comments on the doctrine]. In: 'Markaziy Osiyoda islom madaniyati va san'ati: O'tmish va hozirgi zamon' [Islamic culture and art in Central Asia: 'Past and present']. Materials of the international online conference held in the framework of the forum 'Bukhara - the capital of Islamic culture'. Tashkent: "O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi" nashriyot-matbaa birlashmasi. Pp. 396-404.

7. Gulamova, M.T. (2020) Mushku anbar hidli valoyat g'unchasi Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviy [Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi, a musk warehouse-smelling provincial bud]. *Imom Buxoriy saboqlari jurnali*. – No 2. Pp. 28-29.

8. Gulamova, M.T.(2020) Idei Axmada Ziyouddina al-Kumushkhonavij o znanii [The ideas of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanaviy about knowledge]. Universum: Obshchestvennye nauki: elektronnyj nauchnyj jurnal. No 3 (63). Pp.7-9. [Online]. URL: http://7universum.com/ ru/social/archive/item/9169 https://about.udemy.com/?locale=ru-ru (Date of access: 25.10.2021)

9. Gulamova, M.T. (2020) Axmad Ziyouddin al-Kumushxonaviyning asarlarida ilm haqidagi g'oyalar [In the works of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi ideas about science]. In: '*Markaziy Osiyo falsafiy tafakkuri taraqqiyotida tasavvuf ta'limotining o'rni va ahamiyati'* [The role and importance of mysticism in the development of Central Asian philosophical thought]. Materials of the republican scientific and practical conference. Buxoro. Pp. 329-333.

10. Gulamova, M.T.(2020) Konsepsiya razuma Kumushxonavi v rabote Djomi ul-Mutun [The concept of Kumushkhonavi's mind in his work Jomi ul mutun]. *Universum: Obshchestvennye nauki: elektronnyj nauchnyj jurnal.* No 5(65). Pp. 8-10. URL: http://7universum.com/ru/ social/archive/item/9500 (Date of access: 25.10.2021)

11. Gulamova, M.T. (2020) Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviy asarlarida aql tushunchasining tahlili [In the works of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi, the mind analysis of the concept]. In: *'Oliy ta'lim sifatini takomillashtirishda innovatsion hamkorlikning dolzarb masalalari'* ['Current issues of innovative cooperation in improving the quality of higher education']. Materials of the international scientific online conference. Book 2. Navoi. Pp. 380-382.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ГУЛАМОВА Мавжуда Тошпулатовна – кимё фанлари номзоди, Бухоро давлат тиббиёт институти Тиббий кимё кафедраси доценти. E-mail: gulamovamavjuda@mail.ru